

Сийрат дарслари (137-дарс). Омонатдор мусулмон



15:00 / 21.05.2021 2992

Омонатдор мусулмон

517. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Омонатдор мусулмон хазиначи ўзига буюрилган нарсани буюрилган кишига сидқидилдан тўлиқ ва комил қилиб берса, икки садақа берувчининг бири бўлади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

518. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бир киши ҳеч яхшилик қилмаган эди. У одамларга қарз берар ва ходимига: «Муяссар бўлганини ол. Қийин бўлганини тарк қил ва кечиб юбор. Шоядки, Аллоҳ таоло бизни ҳам кечиб юборса»**, дер эди. Вафот қилганида Аллоҳ азза ва жалла унга: **«Бирор яхши амал қилганмисан?»** деди. **«Йўқ. Фақат бир ғуломим бор эди. Одамларга қарз берар эдим. Уни қарзларни талаб қилишга юбораётиб: «Муяссар бўлганини ол. Қийин бўлганини тарк қил ва кечиб юбор. Шоядки, Аллоҳ таоло бизни ҳам кечиб юборса»**, дер эдим», деди. Аллоҳ таоло унга: **«Батаҳқиқ, сени кечирдим»**, деди».

Бухорий ва Насоий ривоят қилишган.

519. Сафвон ибн Умайя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳунайн куни ундан совутлар беришини сўрадилар. Шунда у: «Эй Муҳаммад, бу ғасбми?» деди. **«Йўқ! Адо қилинадиган орият»**, дедилар».

Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилишган.

Изоҳ: Ғасб – зўрлик, куч билан тортиб олиш.

Орият – вақтинча фойдаланишга олиш.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан